

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Хазорасп туман

Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи Р.Р.Р.Р. А.Рўзметов

“ ” 2022 йил

Бажарувчи ташкилот танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Хазорасп -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Танлов предмети: Хазорасп туман Ободоплаштириш бошкармасига Экскаватор погрузчик олиш

1.2 Танлов охирги қиймати – Экскаватор погрузчик 1 дона 560 000 000 (Беш юз олтмиш миллион) сум.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топшириқ, танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу тан лов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзилик Хоразм вилояти Хазорасп тумани А.Навоий кўчаси 1 уй.

2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармаси «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 иил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми ( 50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предметни бўлган ишлар ( хизматлар)ни бажариш билан бошлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш ), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАРНИ. ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, фирмени биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник хужжатлар рўйхати (брошурулар, техник паспорт ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эта.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИИИ УЗАГ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда эълон қилинган муддатини яъни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини ўзайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахлар конунчиликда белгилангаи тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачи билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурий.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда уш таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўнг кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартиришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларниг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомадаги харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон дилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртманомасида танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисидаги сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига туғишли тушунтиришларни

тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида т узилди.